

## СОВЕТ ЖАМИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА ЭЪТИБОРГА ОЛИНМАГАН ОМИЛЛАР

Насиров Бунёд Уралович

PhD, доцент.

Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали.

**Аннотация:** Совет даврида умумий овқатланиш тизими фаолиятида янги йўналишлар вужудга келди. Аҳолига қулайлик бўлиши мақсадида, умумий овқатланиш муассасалари асосан аҳоли гавжум жойлар, шу жумладан ўқув юртлар ва ташилотлар қошида барпо этила бошланди. Бироқ, умумий овқатланиш тизими фаолиятида аниқланган муаммоларни олдини олиши ва бартараф этишига етарли эътибор қаратилмади. Совет ҳукуматининг томонидан XX асрнинг 70-80-йилларида тизим фаолиятини ривожлантиришига оид қарорлар қабул қилинган бўлсада, умумий ҳолатда бу жараён аҳолининг ўсиб келаётган эҳтиёжини қондира олмади.

**Калит сўзлар:** тизим, умумий овқатланиш муассасаси, хизмат кўрсатиши, ўриндиқ, ошхона, “социалистик турмуш тарзи”, Иттифоқ республикалари.

Айтиш жоизки, истиқлол туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий, маънавий ва диний меросини ўрганиш ҳамда ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Илм-фанда эса турли тарихий манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, тўғри талқин қилиш ва тарихимизнинг ҳаққоний ва тўлиқ манзарасини очишга кенг имконият яратилди. Зеро, истибдод йилларида ҳукмрон мафкура ғояларининг устиворлиги ўзбек маънавияти, урф-одатлари ва қадриятларининг ҳар жиҳатдан камситилишига олиб келди.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда аҳолининг кундалик турмуш тарзидаги муаммоларни, хусусан, уй-жой, маиший буюмлар, озиқ-овқатлар ва кийим-кечакларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий аҳолининг кўп асрлик маънавияти, қадриятлари ва урф-одатлари эътиборга олинмади. Совет мамлакатада “Социалистик турмуш тарзи”ни барпо этиш юзасидан қатор дастурлар ва режалар ишлаб чиқиладиган бошланди.

Совет ҳокимияти умумий овқатланиш муассасаларидан молиявий фойда кўришга ҳаракат қилган. Хусусан, 1924 йилда Тошкент “янги” шаҳар совети

шаҳардаги барча ресторанлар, ошхоналар ва тамаддихоналар кечаси 23.00 дан кейин ташриф буюрадиган кишилар ҳисобига 2 фоизлик марка ёпиштириш ҳақида буйруқ берилган [1: –Б. 15



1930-йиллар охирларидан бошлаб бир қараганда овқатланиш тизими йилдан-йилга ривожлангандек кўринади. Масалан, Тошкент шаҳрида ошхона ва ресторанлар сони 1924 йил 32 та, 1938 йил 47 та, 1939 йил 51 та, 1940 йил 103 тани

*XX асрнинг 30-йиллари чойхона фаолиятдан.*

ташқил қилган. Тамаддихоналар сони 1938 йилда 103та, 1939 йил 181 та, 1940 йил 302 та бўлган [2: –Б. 151].

1942 йил Самарқанд вилоят компартия раҳбариятига шаҳар ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик институти, Москва Зоотехниклик институти, Москва Режалаштириш институти ва К.А.Тимирязев номидаги

*Сирдарё туман Истеъмолчилар уюшмасига қарашли ошхона буфет (1956 й.)*



Москва Қишлоқ хўжалиги Академияси маъмурияти мурожаат қилиб, ушбу олий ўқув юртлари талабалари учун (1400 нафар) хизмат кўрсатаётган 11-сон марказлашган ошхонани маҳсулотлар билан таъминоти қониқарсиз аҳволда эканлиги, бунинг оқибатида ошхона керакли маҳсулотларни бозорлардан ўзлари сотиб олишаётганлиги бу эса ўз навбатида таомларнинг жуда қимматилигига олиб келганлигини маълум қилишган. Шунингдек, кўпгина талабалар умуман степендия олмаслигини, степендия олаётган талабалар ҳам бу ошхонада таом истеъмол қилишга қодир эмаслигини кўрсатиб ўтилган [3: 38-в.].

Бундан ташқари, умумий овқатланиш трестига [4] қарашли бўлган ошхона ва ресторанлар фаолияти Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлари томонидан кўздан кечирилганда, уларни озик-овқат маҳсулотлари билан ёмон даражада таъминланганлиги, мижозларга хизмат кўрсатишда тарелка, қошиқ, пичоқ каби ошхона анжомлари етишмаслиги, ошхоналар фаолиятига оид кўплаб шикоятлар мавжудлиги, мижозларни таомларни узоқ вақт кутиб қолиши, хизмат кўрсатувчиларни кўполлиги ҳамда ошхоналар санитария ҳолати мутлақо

талабига жавоб бермаслиги каби салбий жараёнлар аниқлаган [5: 11-13-в.]. Энг ачинарлиси, депутатлар томонидан кузатув мобайнида кўплаб ошхоналарда қошиқни йўқлиги натижасида миждозлар таомларни кўлларида тановвул қилаётганликлари кузатилган [6: 13-14-в.].

XX асрнинг 50-йилларнинг иккинчи ярми 60-йиллар бошида умумий овқатланиш тизимида автоматлаштириш масаласига эътибор қаратилган. Турли кафе-автоматлар вужудга кела бошлади [7: -Б. 97-100].

1960 йилларда республикадаги бир қанча вилоятларда умумий овқатланиш тизимни ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги бинолар барпо этиш ҳамда умумий овқатланиш муассасаларини тегишли муаммоларини бартараф этишда жойлардаги маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг эътиборсизлик билан ёндошаётганликлари соҳага салбий таъсир ўтказган. Шу даврда республикадаги завод ва фабрикалардаги ошхоналарда бир ўринга Иттифоқда белгиланган меъёр бўйича 6 киши ўрнига, 11 киши тўғри келган [8: 59-в.].

Республиканинг Андижон, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларидаги овқатланиш муассасаларида эса 1000 кишига 12 тагача, Ўзбекистон бўйича бундай очиқ муассасаларда 1000 кишига 13 та ўриндик тўғри келган [9: 70-в.].

Ушбу йилларда республикада ярим маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган моддий-техник базани мавжуд эмаслигидан, тизимда ярим маҳсулотларни ишлаб чиқариш цехлари мустақил ҳолатда умумий овқатланиш муассасалари эҳтиёжларини бартараф эта олишмаган. Бу борадаги масала Болтиқ бўйи давлатларида ижобий ҳал этилган. Хусусан, Молдавияда гўшт комбинатлари томонидан бир йилда ярим маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 баробарга, Грузияда 45 фоизга ошган. Ўзбекистонда эса бу борада сезиларли ўзгаришлар содир этилмаган эди [10: 11-в.].

Ўзбекистонда умумий овқатланиш муассасалари тизимини кенгайтиришга ва уларнинг фаолияти яхшилашга, аҳоли учун маълум бир қулайликлар яратишга эътибор қаратилди. Бироқ бу борадаги ишлар Иттифоқнинг бошқа республикаларидаги каби жуда кенг ривожланмади ҳамда аҳоли ўртасида ташриф буюриш одатга кирмади. Бунга асосий сабаблардан бири, аксарият маҳаллий аҳоли азалдан бўш вақтини оила даврасида ўтказишни, нонушта, тушлик ёки кечки овқатни ҳам ўз оиласида тановвул қилишни одат қилганлиги,



кўпгина умумий овқатланиш муассасаларида таомларнинг тайёрланиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиш ҳолати ва нархи аҳолининг талаб-истакларига тўғри келмаганлиги ҳамда аҳолининг ресторан, кафе ҳамда ошхоналарда доимий овқатланишлари учун молиявий имконият чекланганлиги эди. Масалан, 1940 ва 1960 йилларда Ўзбекистондаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши миқдори Иттифоқ республикаларига қиёслаганда 13 ўринда, 1970 йилда 10 ўринда бўлган [11].

Бундан ташқари, умумий овқатланиш корхоналарининг миллий байрамларда маҳаллий аҳоли эҳтиёжларига мос равишда таом пиширганлиги танқид остига олинди. Жумладан, халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқ кадриятларидан бири Наврўз байрами кунларида республикадаги бир қанча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ун маҳсулотидан тайёрланадиган таомлар ҳамда қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш ишлари амалга оширилаётганлиги Ўзбекистон Савдо вазирлиги томонидан қаттиқ танқид қилинган. Бунинг амалий исботи сифатида барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари келгусида ўз фаолиятларида Наврўз байрами тимсолини англлатувчи таомларни сотиб олиши, тайёрлаш ҳамда аҳолига сотиши таъқиқланган [12: 131-135 в.].

Ўша даврда Ўзбекистон ССРда умумий овқатланиш тизимида моддий-техник база жуда етишмас эди. Кўп йиллар мобайнида республикадаги мактабларни ошхоналар билан таъминланиши совет мамлакати бўйича жуда орқада бўлиб, ҳаттоки белгиланган меъёрдан 2 баробар паст эди. Чунончи, республикадаги 558 та мактабда овқатланиш хонаси йўқ эди, ошхоналари мавжуд бўлган барча мактаблардан яримдан кўпроғида ошхоналар ва буфетлар фаолияти учун номутаносиб биноларда жойлашган. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юрти, касбий техникумлар талабаларини овқатланиш тизими билан таъминлашда 30 минг атрофида ўринли ошхоналар етишмас эди. Шунингдек, 970 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарида ошхона ва буфетлар ҳанузга қадар ташкил этилмаганди. Республикада 2 мингдан зиёд ярим маҳсулотларни сотадиган магазинлар ва тайёр массалиқлар бўлимлари етишмас эди [13: 16 в.].

Таъкидлаб ўтиш лозим, агросаноат корхоналари томонидан умумий овқатланиш тизими ярим маҳсулотлар билан қониқарсиз даражада таъминланган. Ярим маҳсулот сифатида ошхоналарга 17 фоизи гўшт, 46 фоиз балиқ маҳсулотлари билан етказилган бўлса, ошхоналарга режадаги тозаланган картофель ва сабзавотлар келтирилмаган. Шу ўринда қайд этиш жоиз, ярим маҳсулотларни келтирилмаслигида, асосий сабаблардан бири ярим

махсулотларга нарх 20 йил илгари белгиланган ва ҳанузга қадар шу нарх асосида ҳисоб ишлари олиб борилган. Яъни соддароқ қилиб айтилса, бу нарх ўша даврга тўғри келмаган, яъни иқтисодий қизиқиш бўлмаган. 80 фоизи турдаги ярим маҳсулотлар таъминоти зарарга ишлаш бўлиб қолган [14: 16 в.].

1980 йилларни иккинчи ярмида республикадаги кўплаб умумий овқатланиш муассасалари ўз фаолиятларида янги хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйдилар. Биргина Самарқанд шаҳри мисолида, 2 та гриль-бар, бетербродхона, қуймоқхона, кандолатчилик-кафеси, 10 та пончик пиширувчи автомат (ёғда кўпчиб пишадиган кулча), қиш мавсумига мўлжалланган 3 та музқаймоқ кафеси ҳамда Катта қўрғонда 2 та тайёр массалиқлар магазини ташкил этилган [15: 62 в.].

Шу даврда шаҳар ва қишлоққа нисбатан олиб борилган сиёсатда социал мақсадларга иккинчи-учинчи даражада аҳамият бериб келинди. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қолдиқ принципи асосида ёндошилди. Катта табиий ва моддий бойликларга эга республика аҳолисининг турмуш даражаси Иттифоқ республикалари орасида энг охириги ўринларга тушиб қолди [16: 4 б.].

Хулоса тариқасида айтиш жоизки, совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизимини ривожлантириш, янги муассасалар барпо этиш, бу борада хизмат кўрсатиш турини ҳам ошириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Соҳага оид ҳукумат томонидан режалар белгиланди. Аммо, ушбу режаларни амалга ошириш жараёнида қатор мавжуд ва аниқланган муаммоларни бартараф этишга жойларда эътиборсизлик билан ёндошилди. Бу борада, тадқиқотлар ўтказилди. Ҳолатлар эса, ўз ўрнида йиллар мобайнида аҳолининг соҳа вакиллари фаолиятига нисбатан ўринли эътирози келиб чиқишига ҳамда эҳтиёжнинг сақланиб қолишида кўзга ташланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Носиров Б., Носирова Ф. Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизимининг шаклланиши ва унга аҳоли эҳтиёжининг ортиб бориши (совет ҳукумати йилларида) //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – Т. 3. – №. 3.
2. Насиров Б. XX АСРНИНГ 30-80 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – Т. 5. – №. 1.
3. Nasirov B. Catering In Uzbekistan From The History Of The System //The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research. – 2021. – Т. 3. – №. 02. – С. 11-15.

4. Nasirov B. U., Boltaeva M. J. Genesis And Transformation Of The Public Catering System In Uzbekistan During The Soviet Period //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume. – Т. 12. – С. 5834-5841.
5. Носиров Б. Совет даврида Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизими фаолияти хусусида //Взгляд в прошлое. – 2021. – Т. 4. – №. 4.
6. Nasirov B. HISTORICAL SCIENCES //Главный редактор научно-исследовательского журнала «International scientific review», Вальцев СВ. – 2016. – №. 4. – С. 61.
7. Носиров Б. Механизмы и противоречивое развитие сферы бытового обслуживания в Узбекистане 20-40 годах XX века //Культура. Духовность. Общество. – 2014. – №. 11. – С. 158-163.
8. Носиров Б., Носирова Ф. СИСТЕМА БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ: ГЕНЕЗИС И ПРОБЛЕМЫ ПРАКТИКИ (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН В 60-80 ГОДЫ ПРОШЛОГО ВЕКА) //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 1-4. – С. 41-46.
9. Насыров Б. У. История деятельности бань в восточных странах //International scientific review. – 2016. – №. 4 (14). – С. 62-66.
10. Nasirov Bunyod Uralovich. (2022). TRANSFORMATIONAL PROCESSES IN THE GENERAL FOOD SYSTEM (in the example of the catering system in the late 19th and early 20th centuries). *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1253–1258. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/KYCWJ>
11. Uralovich N. B. et al. XIZMAT KO ‘RSATISH TIZIMIDAGI TRANSFORMATSION JARAYONLAR:(XIX asr oxiri-XX asr boshlarida umumiy ovqatlanish tizimi misolida) //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 359-363.
12. Nasirov B., Muborak K., Moxina K. ACTIVITY OF CATERING INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN AT THE END OF THE 19TH-EARLY 20TH CENTURY: CHANGES AND ATTITUDES //Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 11. – С. 230-240.
13. Artukmetov Z. et al. Composition of waste water from poultry factories and their suitability for irrigation of agricultural crops (as an example of Tashkent province, Uzbekistan) //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 244. – С. 01018.
14. Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларидан трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). –Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. –Б. 151.
15. Шодмонова С. Кўрсатилган манба. –Б. 151.
16. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 38- варақ.

17. Таркибида Самарқанд шаҳри бўйича 2та ресторан, 19 та ёпик турдаги ошхона, 3 та очик турдаги ошхона, 10 та тамаддихона, 36 та мактаб ошхонаси ҳамда 31 та муассасалар ошхонаси бўлган.
18. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 997-иш, 11-13- варақлар.
19. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 997-иш, 13-14- варақлар.
20. Ильющенко Д.В. Культура советского общепита в 1970-х-1980-х годах: достижения и проблемы// Вестник МГУКИ, 2015. 2 (64). – Б.97-100.
21. Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 298-иш, 59- варақ.
22. Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 70- варақ.
23. Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 298-иш, 11- варақ.
24. Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. –Москва: Финансы и статистика, 1987. (Электрон ресурс: <http://ihistorian.livejournal.com/125169.html>.)
25. Ўз МА, Р.91- фонд, 11-рўйхат, 2196-иш, 131-135- варақлар.
26. Ўз МА, Р.91- фонд, 11-рўйхат, 2531-иш, 16-варақ.
27. Ўз МА, Р.91- фонд, 11-рўйхат, 2531-иш, 16-варақ.
28. СВДА, 26- фонд, 1-рўйхат, 5423-иш, 62- варақ.
29. Рамазанов И.Р. Шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг социал ҳаёт шароитларини яқинлаштириш муаммолари. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси. –Тошкент, 1992. –Б. 4.
30. Макс Пенсон фонди. XX асрнинг 30-йиллари чойхона фаолиятдан.
31. Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви, 0-31209-фонд. Сирдарё туман Истеъмолчилар уюшмасига қарашли ошхона буфет.
32. Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви, 1-6114-фонд. Тошкент вилоятидаги чўлни ўзлаштириш учун жалб этилган қурувчиларга таом тайёрланмоқда.